

Барча муаммонинг ечими бирдамликда



14:46 / 25.11.2023 756

Бугун, 25 ноябрь куни пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти муслмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг тўртинчи йиғилиши бошланди.

Анжуман Қуръони Карим тиловати билан очилди. Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари йиғилишни очиб бердилар.

Халқаро тадбирда Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Кавказ муслмонлари идораси раиси, Шайхулислом Оллоҳшукур Пошозода, Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси, доктор Али Эрбош, Қозоғистон муслмонлари диний идораси раиси, бош муфтий Наврўзбай ҳожи Тағанули, Қирғизистон муслмонлари диний бошқармаси Уламолар кенгаши раиси Абдиманап Масалиев ҳамда Туркманистон муфтийси Ялкап Ходжагулиев, шунингдек, туркий давлатлар уламолари, диний соҳа вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Туркий давлатлар муфтийларининг Тошкент шаҳрида ўтказилаётган навбатдаги йиғилишида жаҳонда долзарб бўлиб турган бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассиблик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашиш, исломофобияга мурасиз бўлиш каби

масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, мусулмон уммати учун энг муҳим бўлган масалалар ҳамжиҳатликда кўриб чиқилди.

Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли бирдамликда ҳаракат қилиш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш экани барча муфтийлар томонидан таъкидланди.